**КОММАНДИТ ШИРКАТИГА ҲИССА ҚЎШИШ ТЎҒРИСИДА**
**ОФЕРТА**
**№ __**

*Тошкент ш.* *“ 22 ” август 2025 йил.*

## 1. АТАМАЛАР ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

**Оферта** – бу Коммандит ширкати “IMAN HALAL INVESTMENTS KOMMANDITNOE TOVARISHESTVO" нинг (кейинги ўринларда “Ширкат” деб аталади) Инвесторларга мазкур оферта шартлари асосида битим тузиш бўйича таклифи.

**Акцепт (қабул қилиш)** - Инвестор томонидан ушбу Офертанинг 2.4 ва 3.1-бандида белгиланган хатти-ҳаракатларни бажариши, хусусан унинг инвестиция маблағлари Ширкатнинг банк ҳисоб-рақамига келиб тушганлиги офертани қабул қилиш (акцепт) деб ҳисобланади.

**Битим** - Тўлиқ шерик ва Инвестор ўртасида ушбу Офертада кўрсатилган шартлар асосида тузилган битим. Битим тузиш натижасида Инвестор Ширкат таркибига коммандитчи сифатида қабул қилинади ва Ширкатнинг Таъсис шартномасида кўрсатилган шартлар асосида Ширкатда иштирок этади.

**Ширкат** - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ 2020-йил 13-февралдаги 814296-сонли гувоҳнома асосида рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Равнақ кўчаси, 21 уйда жойлашган "IMAN HALAL INVESTMENTS KOMMANDITNOE TOVARISHESTVO" коммандит ширкати;

**Тўлиқ шерик** - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига 2019 - йил 24-апрелдаги 715673-сонли гувоҳнома асосида рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Навниҳол МФЙ, Тепамасжид кўчаси, 4-уйда жойлашган Ширкатнинг ягона тўлиқ шериги ҳисобланадиган "IMAN HALAL INVESTMENTS" масъулияти чекланган жамияти;

**Инвестор (коммандитчи)** - ушбу Оферта шартларини қабул қилиб, инвестиция маблағларини Ширкатнинг устав капиталига киритган ва Ширкат томонидан коммандитчи сифатида қабул қилинганлиги ҳақида гувоҳномага эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти). Бунда, Инвестор Ширкат мажбуриятлари бўйича қўшган ҳиссаси доирасида жавоб беради ва Ширкатнинг бошқарувида иштирок этмайди.

**Тараф ёки Тарафлар** - контекстга қараб Тўлиқ шерик ва/ёки Инвестор (коммандитчи).

**IMANUM платформаси** - мазкур Офертада назарда тутилган шартлар асосида Ширкатга коммандитчи сифатида кириш, фаолият юритиш ва чиқиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш учун мўлжалланган махсус илова - *IMANUM* электрон платформаси. Ушбу иловани www.imanum.app веб-сайтида, Google Market ёки App Store орқали юклаб олиш мумкин.

**Захира фонди** - Ширкатнинг қарз мажбуриятлари ва тўловга қобилиятсизлик ҳолати билан боғлиқ хатарларни олдини олиш, шунингдек битимлар ва лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун мўлжалланган махсус фонд.

**Таъсис шартномаси** – Ширкатнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва Тўлиқ шерикнинг қарори билан тасдиқланган таъсис ҳужжати.

**Устав капиталига қўшган ҳисса (инвестиция)** - бу Инвесторнинг киритган барча инвестицион маблағларининг миқдори. Устав капиталига қўшган ҳиссаси бир нечта тарифларга киритилган инвестициялардан иборат бўлиши мумкин.

**Инвестиция муддати** – IMANUM платформасида Инвестор танлаган инвестицион тарифда белгиланган муддат.

**Инвестицион тариф** – бу IMANUM платформасида Инвестор танлаган инвестиция тури бўлиб, у инвестиция муддати ва шериклик шартларини белгилайди.

**Прогноз қилинган фойда –** бу инфляция, валюта курсининг ўзгариши, бозор шароитлари каби факторларни ҳисобга олган ҳолда Ширкат томонидан ҳисоблаб чиқилган келажакдаги иқтисодий фаолиятидан кутилаётган ўртача даромадлар ёки фойда кўрсатгичи. Бунда, бозордаги кескин ўзгаришлар оқибатида ҳар бир тариф бўйича фойда прогнози кўрсаткичлари камайиши мумкин. Ушбу вазиятда инвесторга янгиланган прогнозлар ҳақида илова орқали хабар берилади. **Шунингдек, чет эл валютаси (АҚШ доллари) да киритилган инвестицияларни валютанинг қадрсизланишидан Ширкат кафолатламайди, бироқ валюта қадрсизланиши билан боғлиқ бозордаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда инвестицияни хорижий валютада киритган Инвесторнинг фойдадан улушини ошириб қўяди.**

**Фойдадаги улушини қайта ҳисоблаш** – Инвестор (коммандитчи)  ўзи танлаган инвестицион тарифининг муддати тугашидан аввал Ширкатдан чиқиб кетган тақдирда *IMANUM* платформасида унга тўланган дивидендлар  қайта ҳисобланадиган амалиёт.

**Мустақил Экспертлар Кенгаши** - Ширкатнинг фаолияти Ислом молияси мезонларига мувофиқлигини назорат қилувчи, шартнома асосида фаолият юритувчи мустақил малакали экспертлар жамоаси.

## 2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Мазкур оферта Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 2001-йил 6-декабрдаги 308-II-сонли "Хўжалик ширкатлари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ширкатнинг таъсис шартномасига мувофиқ Инвесторнинг Ширкат таркибига кириши, унда иштирок этиши ҳамда Ширкатдан чиқиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

2.2. Ушбу оферта Ширкатнинг расмий таклифи бўлиб, унда кўрсатилган шартлар асосида инвестицион битим тузиш мақсадида номуайян шахслар доирасига қаратилган.

2.3. Офертанинг амал қилиш муддати чекланмаган ва Тарафлар Битим бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

2.4. Инвестор IMANUM платформасида рўйхатдан ўтиш жараёнида ва хабарномалар бўлимида *«Шартларга розиман»* тугмасини босиш орқали ушбу Оферта шартларига розилигини ва уларни тўлиқ қабул (акцепт) қилганлигини тасдиқлайди.

## 3. БИТИМ ТУЗИШ ШАРТЛАРИ

3.1.  Оферта шартлари билан танишиб чиққан шахс Ширкатга коммандитчи сифатида қабул қилиниши учун қуйидаги хатти-ҳаракатларни амалга ошириши керак:

**3.1.1. IMANUM платформасида рўйхат (авторизация)дан ўтиш.** Рўйхатдан ўтиш учун Инвестор паспорт ёки ID-картасида кўрсатилган шаклда тўлиқ исми, туғилган санаси, паспорт ёки ID

рақами, паспортнинг амал қилиш муддати, шунингдек доимий яшаш манзили ҳақида маълумотларни тегишли бандларга киритиши лозим.

**3.1.2. Ширкатнинг банк ҳисоб-рақамига инвестиция маблағларини ўтказиш.** Инвестор мазкур офертанинг 14-бобида кўрсатилган Ширкатнинг банк *ҳисоб-рақамига* Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида (сўм) ёки чет эл валютаси (АҚШ доллари)да инвестиция маблағини ўтказади. Миллий валюта ёки АҚШ долларида киритилиши лозим бўлган пул маблағларининг энг кам миқдори *IMANUM* платформасида Инвестор танлаган инвестиция тарифида белгиланади.

**Инвестиция суммаси чет эл валютасида киритилган тақдирда, ушбу сумма Ширкат ҳисоб-рақамига келиб тушган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг курси бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси (сўм)га ўгирилади ва сўмда ҳисобланган миқдори Инвесторнинг Ширкат устав капиталига қўшган ҳақиқий ҳиссаси сифатида тан олинади.**

**Инвестиция чет эл валютаси (АҚШ доллари) да киритилган тақдирда, уни валютанинг қадрсизланишидан Ширкат кафолатламайди, бироқ валюта қадрсизланиши билан боғлиқ бозордаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда инвестицияни хорижий валютада киритган Инвесторнинг фойдадан улушини ошириб қўяди.**

Инвестиция маблағлари бевосита *IMANUM* платформасида рўйхат (авторизация)дан ўтган Инвестор томонидан, яъни унга тегишли бўлган шахсий банк ҳисоб-рақамидан ёки банк тўлов картаси орқали амалга оширилиши керак.

Инвестор Ширкатга инвестицион маблағларини пул ўтказиш йўли орқали истаган пайтда киритиши мумкин.

**3.1.3. Инвестиция тарифини танлаш.** Инвестор Ширкатга киритаётган инвестициясининг тури, муддати ва кутилаётган фойдадан келиб чиқиб, қуйидаги тарифлардан бирини танлайди:

**Start** - инвестиция маблағлари Ўзбекистон миллий валютаси - сўмда киритиладиган ва инвестиция муддати камида **12 ойни ташкил этади.**

**Valyuta** - инвестиция маблағлари чет эл валютаси - АҚШ долларида киритиладиган ва инвестиция муддати камида **12 ойни ташкил этади.**

**Pro** - инвестиция маблағлари Ўзбекистон миллий валютаси - сўмда киритиладиган ва инвестиция муддати камида **24 ойни ташкил этади.**

Инвестор бир неча тарифлар бўйича инвестиция киритиши мумкин. Бунда, **инвестициялар сони чекланмаган.** Ҳар бир тариф асосида киритилган инвестиция бошқа тарифдаги инвестициялардан мустақил ҳисобланади. Инвестициялар бўйича ҳисоб-китоблар танланган тариф шартларига мувофиқ алоҳида амалга оширилади.

3.2. Ширкат билан инвестицион битим тузилган деб ҳисоблаш учун Инвестор юқоридаги 3.1.1–3.1.3-бандларида кўрсатилган барча ҳаракатларни амалга ошириши керак. Ушбу ҳаракатларнинг бажарилиши кечиккан ҳолларда инвестицион битим тузиш санаси улар тўлиқ бажарилган санага қадар кечиктирилади.

3.3. Юқоридаги 3.1.1–3.1.3-бандларида кўрсатилган барча ҳаракатларни амалга оширган Инвестор Ширкатнинг коммандитчиси сифатида қабул қилинади. Инвесторнинг Ширкат устав капиталига киритган инвестиция маблағлари қабул қилинганлиги ва **“коммандитчи” сифатида кирганлигини тасдиқлаш мақсадида унга Ширкат томонидан гувоҳнома** берилади. Коммандитчи

сифатида қабул қилинган Инвестор ҳақидаги маълумотлар таъсис шартномасига киритилиб, кейинги ойнинг 10 санасидан кечиктирмаган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилади.

3.4. Тўлиқ шерик ва / ёки Ширкат “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (2004-йил 26-августдаги 660-II-сон) талаблари татбиқ этиладиган нобанк кредит ташкилоти **ҳисобланмайди** ва юқоридаги қонуннинг талаблари доирасида ички назоратни, мижозни текширишни, мижозни идентификациялашни ёки шу каби бошқа ҳаракатларни **амалга оширмайди.**

## 4. ШИРКАТ БОШҚАРУВИ

4.1. Инвестор "Хўжалик ширкатлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига кўра Ширкатни бошқаришда ва унинг ишларини юритишда иштирок этмайди. Инвестор Ширкатни бошқаришда фақат Ширкат томонидан берилган ишончнома асосида иштирок этиши мумкин. Инвестор Ширкатни бошқариш ва унинг ишларини юритиш бўйича тўлиқ шерикларнинг хатти-ҳаракатлари хусусида баҳслашишга ёки қарши чиқишга ҳақли эмас.

Шу билан бирга, Инвестор Ислом молияси мезонлари бузилиши масаласида мустақил Экспертлар Кенгашига www.imanum.app сайтида кўрсатилган электрон почта манзили орқали мурожаат қилиши мумкин.

4.2. Ширкат ишларини бошқариш ва юритишда Тўлиқ шерик ўз хоҳишига кўра Ширкат фаолиятининг асосий йўналишларини ва уни амалга ошириш тартибини мустақил равишда белгилайди.

Ширкат ўз фаолиятини амалга ошираётганда Тўлиқ шерик ва/ёки Ширкат иштирок этадиган товарлар (ишлар, хизматлар) лойиҳалари (бизнес - лойиҳалар ва/ёки ижтимоий лойиҳалар) нархларини, уларни харид қилиш, сотиш ёки ижарага бериш, шунингдек ушбу лойиҳаларнинг рентабеллиги ва самарадорлигини мустақил равишда белгилашга ҳақлидир.

Тўлиқ шерикнинг хоҳишига кўра, баъзи лойиҳалар бозордан паст ставкаларда ёки фойда келтирмайдиган транзакциялар орқали молиялаштирилиши, қуйидаги ҳолатларда **маркетинг ва хайрия мақсадларида** чегирмалар берилиши мумкин. Бироқ, чегирмалар умумий маҳсулот нархининг **50 фоизидан** ошмайди:

- Бевосита бизнес урфи доирасидаги чегирмалар, яъни Ширкатга бевосита манфаат келтирувчи ҳар қандай чегирмалар - 40 фоизгача.
- Билвосита фаолиятни юрғизишга доир чегирмалар, масалан, ходимлар учун бериладиган чегирмалар. Бундайн чегирмалар Ширкат учун керакли ходимларни жалб этиш, сақлаб қолиш каби манфаатлар учун берилади - 40 фоизгача.
- Ҳукумат томонидан лицензия талабларида муайян тоифадаги шахсларга бериладиган чегирмалар. Ммасалан, ёшлар дафтари, аёллар дафтари, темир дафтарга киритилган шахсларга берилади - 50 фоизгача.

## 5. ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Инвесторнинг Ширкат улушидан оладиган фойдаси у киритган маблағлар **Ширкатнинг ҳисоб-рақамига келиб тушган сананинг кейинги кунидан ҳисобланади.** Бунда Инвестор

томонидан ўтказилган пул маблағларининг Ширкат ҳисоб-рақамига келиб тушиш санаси_банкдаги пул ўтказиш жараёни ва дам олиш кунларини инобатга олган ҳолда 1-2 кунга фарқ қилиши мумкин.

5.2. Ширкатнинг фойдаси **ҳар ойнинг охирги 10 куни ичида** тақсимланади.

5.3. Инвесторнинг дастлабки ой учун оладиган фойдасини ҳисоблаш ушбу ойда инвестиция маблағларидан фойдаланилган кунлар сонини инобатга олган ҳолда қуйидаги формула асосида амалга оширилади.

*Формула:* Инвесторнинг фойдаси = (ойлик умумий фойда × Инвесторнинг Ширкатдаги улуши × Инвесторнинг фойдадаги улуши) × Инвестиция маблағларининг ой давомида қанча кун ишлатилганига нисбати.

Буни қуйидаги мисол билан тушунтириб бериш мумкин. Масалан,

- Инвестор Ширкатга киритиган маблағлар миқдори: 1 миллион сўм
- Инвесторнинг инвестициядан тушган фойдадаги улуши - 85%
- Ширкатнинг умумий устав капитали: 1 миллиард сўм
- Сентябр ойидаги Ширкатнинг умумий фойдаси: 1 миллион сўм
- Инвестиция киритилган сана: 10 сентябрь

*1. Инвесторнинг улушини ҳисоблаш:*

Биринчи навбатда Инвесторнинг улуши (ҳиссаси)ни аниқлаймиз. Бунда Инвестор киритган маблағнинг Ширкат умумий капиталига нисбатини топамиз. Масалан, агар Инвестор 1 миллион сўм киритган бўлса ва Ширкатнинг умумий капитали 1 миллиард сўмни ташкил этса, унда Инвесторнинг улуши:

1 миллион / 1 миллиард= 0.1% ташкил этади.

*2. Инвестор улушига тўғри келадиган фойдани ҳисоблаш:*

Иккинчидан, биз Ширкатнинг умумий фойдасидан Инвестор улушига мос келадиган қисмини аниқлаймиз. Сентябр ойида Ширкатнинг умумий фойдаси 1 миллион сўм бўлган. Инвесторнинг умумий капиталдаги улуши 0,1% бўлгани учун, унинг инвестициясидан олинадиган фойда миқдори 100 000 сўм:

Инвестициядан олинган фойда=1 миллион ×0.1=100 000 сўм.

Инвесторнинг фойдадаги улуши 85% ни ташкил этса, демак Инвестор оладиган фойда миқдори 85,000 сўм бўлиши керак.

*3. Инвестициядан фойдаланилган кунлар сонини аниқлаш:*

Инвестиция сентябр ойининг 10 санасида киритилган. Демак, Ширкат инвестиция маблағларидан 11 сентябрдан бошлаб фойдаланиш бошланган. Сентябр ойида жами 30 кун бўлса, пул жами 19 кун давомида ишлатилган.

30-(10+1) = 19 кун фойдаланилди. Бу сентябр ойининг 63% ни ташкил этади.

*4. Инвесторнинг ойлик фойдасини ҳисоблаш:*

Олдин ҳисоблаб топилган Инвестиция ишлатилишидан тушган фойда миқдори 85 000 сўм. Лекин бу ойнинг барча кунлари эмас, балки 19 кун ишлатилган. Шундай экан, фойда ҳам мос равишда камаяди. **85 000×0.63=53 550 сўм.**

Демак, 10 сентябр куни 1 миллион сўм киритган Инвесторнинг сентябр ойи бўйича оладиган фойдаси **53 550 сўмни** ташкил қилади.

Агар Инвестор 1 сентябрда пул киритганида, тўлиқ ой - 30 кун учун оладиган фойдаси **85 000 сўмни ташкил этарди.**

5. *Инвесторнинг Ширкат захира фондидаги улушини ҳисоблаш.*

Мижозларнинг ўз молиявий мажбуриятларини бажармаслиги хатари шериклар ўртасида биргаликда кўтариладиган зарар ҳисобланади. Бундай хатардан ширкатни ҳимоя қилиш учун Инвесторнинг соф фойдадаги улушидан захира фонди учун **5% миқдорида** пул ажратилади. Ушбу маблағлар тўловларни амалга оширмаган мижозлар ортидан кўрилган зарарларни қоплаш учун сарфланиш мақсадида ушлаб турилади (6-бобга қаранг).

Масалан, инвесторнинг ойлик соф фойдаси 85 000 сўмни ташкил этса, захира фонди миқдори 5% бўлса, шунда 85 000 дан 5%, яъни **4250 сўмни** ташкил этади.

85 000 - 4250= 80750 сўм.

*6. Дивиденд солиғини ҳисоблаш*

Ўзбекистон қонунчилигига кўра инвестор оладиган фойданинг муайян қисми дивиденд солиғи сифатида тўланади. Инвесторнинг соф фойдасидан **5% дивиденд солиғи тўланади**. Бу солиқ Ширкат томонидан Инвестор номидан тўланади ва қолган сумма Инвесторнинг банк картасига ўтказиб берилади.

Масалан, инвесторнинг фойда тақсимотидаги ҳиссаси 80750 сўм, дивиденд солиғи фоизи 5% бўлса:

80750 * 5% = 4 037 сўм

**Демак, Инвесторнинг 1 миллион сўм киритган инвестициясидан дивиденд солиғи айрилгач ойлик соф даромади:**

**80750 - 4 037 = 76 713 сўм бўлади.**

5.4. Инвестор унга Ширкат томонидан тақсимланиши мўлжалланган фойдани (дивидендларни) олишни истаса, Ширкатга фойда тақсимланишидан **3 кун олдин,** яъни ҳар ойнинг **20 санасига қадар**, тегишли ариза билан платформа орқали мурожаат қилиши керак. Агар ариза берилмаган бўлса, Инвесторнинг даромади автоматик равишда унинг Ширкат Устав фондидаги ҳиссасини кўпайтиришга йўналтирилади (реинвестиция).

Ширкат соф фойдасидан ўз улушини олиш ва/ёки уни Ширкатнинг устав фондидаги ҳиссасини кўпайтиришга йўналтириш қонун ҳужжатларда белгиланган солиқлар ушлаб қолингач амалга оширилади.

Инвесторнинг фойдадаги улуши унинг Ширкатнинг устав фондидаги ҳиссасини кўпайтиришга йўналтирилган тақдирда Ширкат инвестор (коммандитчи)ларининг улушлари ҳажми ўзгартирилади ва қайта давлат рўйхатидан ўтказилади. Қайта давлат рўйхатидан ўтказилгач Инвесторга Ширкатнинг устав фондидаги ҳиссаси ва улушининг ўзгарган миқдори кўрсатилган **янги гувоҳнома** берилади.

5.5. Ширкат зарарлари унинг иштирокчилари ўртасида, уларнинг Ширкат устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади. Агар ширкат томонидан кўрилган зарарлар оқибатида ширкат соф активларининг қиймати унинг устав фонди миқдоридан камайиб кетса, соф активлар қиймати устав фонди миқдоридан ошмагунга қадар Ширкат томонидан олинган фойда иштирокчилар ўртасида тақсимланмайди.

5.6. Агар Инвестор Ширкатдан олган фойдани ёки ҳисобидаги пул маблағларини учинчи шахсга тегишли бўлган банк ҳисоб рақамига ўтказишни истаса, у ҳолда Инвестор мазкур ҳаракатни амалга

оширишдан олдин Ширкатга ўзининг шахсий кабинети орқали ёзма шаклда мурожаат қилиши ва пул маблағларини қабул қилувчи шахс номига расмийлаштирилган, нотариал тарзда тасдиқланган ишончномани тақдим этиши шарт. Ишончнома тақдим этилмаган ёки Ширкат томонидан ушбу ҳаракат юзасидан тасдиқ берилмаган тақдирда, пул маблағлари фақатгина Инвесторнинг ўз номига очилган ҳисоб рақамига ўтказилади.

## 6. ШИРКАТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

6.1. Ширкатда қарз мажбуриятларини ва бошқа молиявий хавфлар, харидорлар савдо бўйича тўловни амалга оширмаслик ҳолатлари кўпайганда, кутилмаган операцион харажатлар (ўтган даврлар учун солиқ мажбуриятлари ва бошқа мажбурий тўловлар) юзага келганда, дивиденд сифатида Инвесторларга тўланадиган даромадлик даражаси етарли бўлмаганда, банкротлик хатарлари ва зарарларни қоплаш учун мўлжалланган захира фонди ташкил этилган. Ширкатнинг захира фонди устав капиталининг **15 фоизини** ташкил этади.

Масалан, агар захира фонди миқдори  устав капиталининг 10 фоизини ташкил этса, шу билан бирга Ширкат кўрган зарарлар  ҳам 10 фоизга тенг бўлса, бу ҳолда Инвестор зарарлардан 100 фоиз суғурталанган бўлади. Яъни, захира фонди форс-мажор ҳолатлари ва бизнес хавфлари юзага келган пайтда инвесторларнинг Ширкат зараридаги жавобгарлигини муайян миқдорда суғурталаш вазифасини бажаради.

6.2. Захира фонди Ширкатнинг бутун фаолияти давомида Инвесторнинг  ҳар ойлик соф фойдасидан **5 фоизгача** ажратмалар орқали шакллантирилади. Захира фондининг умумий ҳажми Ширкат бошқарув органи томонидан белгиланади.

6.3.  Захира фондини шакллантириш ва ундан маблағларни кўчириш молиявий модел ва стратегик режалаштиришга мувофиқ амалга оширилади. Захира фондини бошқариш ва юритиш AAOIFI халқаро бухгалтерия ҳисоби қоидаларига мувофиқ амалга оширилади (AAOIFI - Ислом молияси асосида компанияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит стандартларини жорий этиш ва амалга оширишнинг халқаро ташкилоти).

6.4. Ширкат зарар кўрган тақдирда, улар Ислом молиясига мувофиқ бўлган суғуртаси схемаси шаклида захира фондининг ҳисоб-варағида мавжуд бўлган маблағлардан қопланади.

6.5. Захира фонди маблағлари қўшимча фойда олиш мақсадида қисқа муддатли юқори ликвидлик активларга инвестиция қилиниши мумкин.

6.6. Захира фонди тўлиқ шаклланган тақдирда унинг ортиқча маблағлари Ширкатдан чиқиб кетаётган инвесторларга  уларнинг захира фондига ажратган суммаларига мутаносиб равишда тақсимланиши мумкин.

Бунда тақсимланадиган захира фонди маблағлари қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

*Формула:* Инвестордан захира фонди учун олинган пул миқдори / Захира фондидаги жами тўпланган пуллар миқдори * захира фондидаги ортиб қолган пуллар миқдори.

*Масалан,*

- 1 миллион сўм киритган Инвестордан 12 ойлик даврда жами **60 000 сўм** захира фонди учун олинган;
- 12 ойлик даврда захира фондига барча инвесторлардан жами 100 миллион сўм ажратилган;
- Агар Инвестор Ширкатдан чиқаётган вақтда захира фондида 100 миллион сўм пул қолган бўлса, унда, 60 000 / 100 000 000 * 62 000 000  = **37 000  сўм** Инвесторга қайтариб берилади.

6.7. Захира фонди тўғрисидаги маълумотлар тегишли молиявий ҳисоботларда акс эттирилади ва инвесторлар танишиб чиқиши учун очиқ бўлади.

6.8. Захира фонди маблағларини Тўлиқ шерикнинг молиявий эҳтиёжларини қондириш, унинг ходимларига ойлик маош тўлаш учун ишлатиш, шунингдек Тўлиқ шерикнинг ҳисобига ўтказиш тақиқланади.

## 7. ИНВЕСТИЦИЯ МУДДАТИ ТУГАШИ ВА ШИРКАТДАН ЧИҚИШ ТАРТИБИ

**7.1. Инвестор қуйидаги ҳолатларда Ширкатдан чиқиб кетиши мумкин:**

- Инвестор танлаган инвестиция тарифининг муддати ўз ниҳоясига етса.
- Инвестор танлаган инвестиция тарифининг муддати тугашидан олдин;
- Ширкатдаги улушини ўзга шахсга сотиш ёки ҳадя қилиш орқали бегоналаштирса.
- Ширкат устав фондидаги улушини қисман олиб чиқиш орқали.
- Узрли сабабларга кўра Ширкатдаги инвестиция маблағларини олиб чиқиш орқали.

**7.2. Инвестор танлаган инвестиция тарифининг муддати ўз ниҳоясига етиши натижасида Ширкатдан чиқиш тартиби:**

Агар Инвестор танланган тарифнинг муддати тугаса, Инвестор қуйидаги ҳаракатлардан бирини амалга ошириши лозим:

- Инвестор танлаган инвестицион тариф фаол бўлса, унинг муддатини янгилаш;
- Бошқа янги тарифга ўтиш;
- Ширкатдан чиқиб кетиш.

**7.2.1.** Инвестор унинг инвестицион таърифи муддати тугашидан **2 ой олдин** IMANUM иловасидаги шахсий кабинетига бу ҳақда билдиришнома жўнатиш орқали огоҳлантирилади. Ушбу билдиришномага жавобан **7 (етти) календарь кун ичида** Инвестор унинг тариф муддати тугагач Ширкатдан чиқиши ёик инвестицион фаолиятини давом этиши тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

а) Агар Инвестор ушбу билдиришномага жавобан Ширкатда ўз фаолиятини **давом этишни танласа**, унинг инвестиция тарифи муддати **яна ўша муддатга узайтирилади.**

б) Агар Инвестор ўзининг **инвестицион тариф муддати тугагунга қадар мазкур қарорини ўзгартириб,** Ширкатдан чиқишга қарор қилса, бу ҳақда Ширкатга IMANUM иловасидаги шахсий кабинети орқали **ёзма мурожаат** қилиши лозим. Бунда Инвесторнинг ҳисобидаги маблағлар унинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда қуйидаги муддатларда қайтариб берилади:

- 1 миллион сўмгача — 3 банк иш кунида.
- 1 миллион сўмдан 10 миллионгача — 5 банк иш кунида.
- 10 миллион сўмдан 100 миллионгача — 30 банк иш кунида
- 100 миллион сўмдан ортиқ маблағлар - 60 банк иш кунида

в) Агар Инвестор билдиришномага жавобан инвестицион тарифи тугаши билан **Ширкатдан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилса,** инвестиция тарифи тугаган санадан бошлаб, унинг ҳисобидаги маблағларнинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда **10 банк иш куни ичида** Компания унинг ҳисобидаги пулларини тўлиқ Инвесторга қайтаради.

г) Агар Инвестор билдиришномада белгиланган муддат ичида **жавоб бермаса,** Ширкат унинг инвестицион тарифини худди шу шартлар асосида **яна ўша муддатга автоматик узайтиришга**

**ҳақли бўлади.** Бироқ агар Инвестор билдиришномада белгиланган муддатни узрли сабабларга кўра ўтказиб юборган бўлса ва Ширкатдан чиқишга қарор қилса, бу ҳақда IMANUM иловасидаги шахсий кабинети орқали Ширкатга **ёзма мурожаат** қилиши лозим. Бунда Инвесторнинг ҳисобидаги маблағлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда қуйидаги муддатларда қайтариб берилади:

- 1 миллион сўмгача — 10 банк иш кунида чиқариб берилади.
- 1 миллион сўмдан 10 миллионгача — 15 банк иш кунида чиқариб берилади.
- 10 миллион сўмдан 100 миллионгача — 30 банк иш кунида чиқариб берилади.
- 100 миллион сўмдан ортиқ маблағлар - 60 банк иш кунида чиқариб берилади.

7.2.2. Агар Инвестор олдин танлаган тарифи **ёпилган (нофаол) бўлса**, Инвестор янги тарифни танлаши ёки шерикликни тугатиш ҳақидаги ўзининг иродасини билдириши лозим. Агар белгиланган муддат ичида Инвестор янги тарифга ўтмаса ёки шерикликни тугатиб, ширкатдан чиқиш ҳақидаги қарорини билдирмаса, Ширкат Инвесторнинг пулларини қайтариб бериб, Ширкатдан чиқариш ёки эски шартлар асосида шерикликни давом этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли бўлади.

7.2.3. Агар Инвестор инвестицион тарифининг муддати тугагач бошқа тарифга ўтмоқчи бўлса, унинг ҳисобидаги қолдиқ ушбу тариф учун белгиланган энг кам инвестиция маблағидан кам бўлмаслиги керак. Агар Инвесторнинг маблағлари бошқа тарифга ўтиш учун етарли бўлмаса, ундан балансни тўлдириш талаб қилинади.

**7.3. Инвестор танлаган инвестиция тарифининг муддати тугашидан олдин чиқиш тартиби:**

7.3.1. Инвестор танлаган инвестиция тарифининг муддати тугашидан олдин Ширкатдан чиқиб кетиши ва киритган инвестиция маблағларини олиши мумкин. Бунинг учун Инвестор ёзма равишда *IMANUM платформаси* орқали мурожаат қилиши шарт. **Инвестор Компаниядан пулни қайтариб олиш ёки шерикликни тугатиш ҳақидаги ўзининг иродасини билдириши билан Инвестор ва Компания ўртасидаги битим тугатилган ҳисобланади. Шунга кўра, Ширкат Инвесторнинг ҳисобида бўлган барча пулларини қарзга, яъни молиявий мажбуриятга айлантириб қўяди. Шу боис, Инвестор ариза келиб тушган санадан бошлаб, ҳисобидаги пулларига фойда ҳисоблаш тўхтатилади ва ушбу офертага биноан кейинги <u>90 банк иш куни ичида</u> Компания у пулларни тўлиқ Инвесторга қайтаради.**

7.3.2. Инвестор офертада келишилган муддатдан олдин, яъни IMANUM платформасида танлаган инвестиция тарифининг муддати тугашидан аввал Ширкатдан чиққанлиги учун унинг **фойдадаги улуши қайта ҳисобланади**. Яъни, Инвестор ҳар ой фойдани олиши натижасида унга тўланган дивидендлар қайта ҳисоб қилиниб, ортиқча қисми у киритган инвестиция маблағларидан ушлаб қолинади. Бундан мақсад инвестор муддатидан аввал Ширкатдан чиқиши оқибатида вужудга келган қўшимча харажатларни қоплаш ҳисобланади. Инвестор Ширкатдан муддатидан олдин чиққанлиги учун фойда қуйидаги шаклда қайта ҳисобланади:

Масалан, 12 ой муддатга инвестиция киритган инвестор билан Ширкат соф фойдасининг 80 фоизини олишига келишилган эди. Аммо, Инвестор 3 ойдан кейин Ширкатдан чиқишни ирода қилса, унинг Ширкатдаги фойдаси қуйидаги формула асосида қайта ҳисобланади: Унинг 80 фоиз улушининг 1/4 қисми (чунки, 3 ой 12 ойнинг 1/4 қисмига тенг) Ширкат ҳисобига ўтказилади ва қолган ¾ қисми инвесторга тегишли ҳисобланади.

**7.4. Ширкатдаги улушини ўзга шахсга сотиш ёки ҳадя қилиш шаклида бегоналаштириш орқали чиқиш тартиби:**

7.4.1. Инвестор Ширкатнинг устав фондидаги ўз улушини бошқа коммандитчига, оила аъзоларига ёки учинчи шахсларга, сотиши ёки ҳадя қилиши мумкин.

7.4.2. Инвестор Ширкатдаги улушини ўзга шахсга сотиш ёки ҳадя қилиш орқали бегоналаштирмоқчи бўлса, Ширкатга қонунчиликда белгиланган тартибда томонлар ўртасида тузилган улушни ўтказиш (олди-сотди шартномаси) ёки ҳадя қилиш шартномасини тақдим этиши ҳамда ўз улушини ўзга шахсга ўтказиш юзасидан Ширкатга ариза билан мурожаат қилиши лозим. Ушбу тақдим этилган ҳужжатлар асосида Ширкат томонидан Инвесторнинг улуши тегишли шахсга расмийлаштирилади.

7.4.3. Инвестор ўз улушини ўзга шахсга ўтказиши ёки ҳадя қилиниши унинг ширкатдаги иштирокини тугатади.

**7.5. Ширкат устав фондига киритган инвестиция маблағларини қисман олиб чиқиш тартиби:**

7.5.1. Инвестор Ширкат устав фондидаги ҳиссасининг бир қисмини олиб чиқиш учун **ёзма равишда** *IMANUM платформаси* орқали ёки Ширкатнинг колл-марказига мурожаат қилиши лозим.

7.5.2. Инвестор қисман чиқариб олиши мумкин бўлган улушнинг максимал чегараси ва чиқариб бериш муддатлари Ширкат томонидан мустақил тарзда белгиланади ва бозордаги ўзгаришлар, бизнесдаги рисклардан келиб чиққан ҳолда ўзгариб туриши мумкин. Қисман чиқариб олиши мумкин бўлган улушнинг амалдаги максимал чегараси IMANUM платформасида акс эттирилади.

**7.6. Узрли сабабларга кўра Ширкатдаги улушини тўлиқ ёки қисман олиб чиқиш тартиби:**

7.6.1. Узрли сабабларга инвестор ўзининг ёки яқин қариндошининг шошилинч даволанишига зарурат пайдо бўлганлиги ёки вафот этганлик каби чекланган ҳолатлар киради. Ушбу сабабларга кўра инвестициясини муддатидан аввал чиқариб олишига тўғри келса ва юқорида санаб ўтилган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилган тақдирда шериклик давридаги фойдаси (агар ширкат тегишли даврда ҳақиқатан ҳам фойда кўрган бўлса), тўлиқ чиқариб берилади.

7.6.2. Узрли сабаблар туфайли Ширкатдан муддатидан олдин чиққанлиги учун Инвесторнинг фойдадаги улуши қайта ҳисобланмайди.

7.7. Ширкатдан чиқмоқчи бўлган чет эл валютасида ҳисса қўшган Инвесторларнинг Ширкат устав фондидаги улушининг қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади.

7.8. Инвесторга тегишли ҳисобидаги маблағлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ солиқ тўловлари ушлаб қолинганидан кейин Инвесторнинг аризасида кўрсатилган банк ҳисоб рақамига пул ўтказиш орқали тўланади.

7.9. Инвестор унинг инвестиция тарифининг **муддати тугашидан олдин ёки тугаши** натижасида Ширкатдан чиқишидан қатъи назар унинг соф фойдасидан **2% миқдоридаги** маблағ Ширкатнинг **банк транзакция харажатларини қоплаш** мақсадида ушлаб қолинади. Бу маблағлар Инвесторнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ банк харажатларини қоплаш учун сарфланади.

7.10. Агар Инвестор вафот этса, унинг устав фондидаги мавжуд пул маблағлари унинг вакилига қайтариб берилади. Бунда унинг ушбу маблағларини меросхўрлар ўртасида Ислом молияси ва фиққи мезонлари асосида тақсимот қилиши тавсия этилади.

## 8. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**8.1. Инвесторнинг ҳуқуқлари:**

- Офертада кўрсатилган шартлар асосида Ширкатга кириш;

- Мазкур офертада белгиланган тартибда Ширкатдан чиқиш;
- қонун ҳужжатларида ва мазкур офертада белгиланган тартибда Ширкат фаолияти тўғрисида ахборот олиш ва унинг молиявий ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
- таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда ширкатнинг фойдасидан устав фондига қўшган ҳиссасига мутаносиб қисмини олиш;
- Ширкатнинг йиллик ҳисоботлари ва баланслари билан танишиш;
- Уўбу офертада белгиланган тартибда устав фондидаги ўз улушини ёки унинг бир қисмини бошқа Инвесторга ёки учинчи шахсга ўтказиш.
- ҳиссани тўлиқ қўшгандан кейин буни тасдиқловчи гувоҳномани олиш.

**8.2. Инвесторнинг мажбуриятлари:**

- Қабул қилишдан олдин ушбу Оферта шартлари билан танишиб чиқиш;
- Оферта шартларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш;
- Ширкат фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилмаслик;
- Инвестицион тарифи муддати тугашидан олдин Ширкатдан чиқмаслик.
- Ширкат бошқарувига аралашмаслик;
- 3 (уч) кундан кечиктирмай Тўлиқ шерикни ва/ёки Ширкатни ўзининг шахсий маълумотлари, шу жумладан: хизмат кўрсатиш банки (банк тўлов картаси), асосий мобил рақами, яшаш манзилининг ўзгариши тўғрисида хабардор қилиш.

**8.3. Ширкатнинг ҳуқуқлари:**

- Ширкат бошқарувини ушбу офертада ва Таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда мустақил равишда амалга ошириш;
- Ширкат фойдасини ушбу офертада ва Таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда тақсимлаш;
- Инвесторларнинг улушларининг олди-сотдисини *IMANUM* платформаси орқали ташкиллаштириш ва бошқариш.

**8.4. Ширкатнинг мажбуриятлари:**

- Оферта шартларини тўлиқ бажарилишини таъминлаш;
- Инвесторни Офертада кўрсатилган шартлар асосида қабул қилиш ва буни тасдиқловчи гувоҳнома бериш;
- Инвестор тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилмаслик, қонун талабларига мувофиқ зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно;
- Ширкат ишларини сифатли ва виждонан бошқариш;
- IMANUM ва IMAN Superapp онлайн платформаларини узлуксиз ишлашини таъминлаш;
- Автоматлаштирилган инвестиция портфелини бошқариш, даромадларни тақсимлаш тизими ва бухгалтерия ҳисобини юритиш.

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Оферта шартлари ва/ёки Битимнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун Тарафлар мазкур Оферта ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

9.2. Тўлиқ шерик ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзининг бутун мол-мулки билан жавоб беради.

9.3. Инвестор ширкат фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун фақат ўзи қўшган ҳисса доирасида жавобгар бўлади.

9.4. Мазкур офертада белгиланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган бир Тараф иккинчи Тарафга бунинг оқибатида етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаши шарт.

9.4. Ширкат ёки Тўлиқ шерик Инвесторнинг бой берилган фойдалари учун жавобгар бўлмайди ва бу тадбиркорлик таваккалчилиги (риски) сифатидан тан олинади. Бунда, Тўлиқ шерик Ширкат бошқарувида ўз ваколатини суиистеъмол қилиш, масъулиятсизлик ва қасддан содир этган ҳаракати ёки ҳаракатсизлигилари билан боғлиқ ҳолатлар мустасно.

9.5. Тўлиқ шерик ва/ёки Ширкат Инвестор ёки учинчи шахснинг қуйидаги хатти-ҳаракатлари оқибати етказилган зарарлар учун жавобгар эмас:

- Инвестор томонидан маълумот ва реквизитлар нотўғри киритилганлиги, шунингдек тўловларни амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузилиши;
- Учинчи шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, шу жумладан Инвесторнинг идентификация маълумотларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари.

## 10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

10.1. Агар низолар ва келишмовчиликлар юзага келса, Тарафлар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширадилар. Бунда, Тарафлар низони судгача бўлган тартибда, дастлаб даъво тартибида кўриб чиқиш мажбурийдир. Даъволар ёзма равишда юборилади, даъвонинг асослилигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Даъвони кўриб чиқиш муддати **15 (ўн беш) календар** кунни ташкил қилади. Тўлиқ шерик судга даъво аризасини судгача ҳал қилиш ва низоларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш тартибини қўлламасдан топшириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

10.3. Судгача бўлган тартибда низоларни ҳал этишга эришилмаса, низо Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Тўлиқ шерик жойлашган ҳудуддаги ваколатли суд томонидан кўриб чиқилади.

## 11. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

11.1. Тарафлар ушбу оферта бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бундай лозим даражада бажармаслик ушбу оферта тузилгандан кейин уни олдиндан кўра олиши ва оқилона чоралар билан олдини олиши мумкин бўлмаган енгиб бўлмас кучлар таъсири остида юзага келган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунга, урушлар, эпидемиялар, табиий офатлар, ҳукумат қарорлари, қонунчиликдаги ўзгаришлар каби ҳолатлар киради.

11.2. Ушбу Битим бўйича мажбуриятларни бажаришнинг иложи йўқлиги юзага келган Тараф бошқа Тарафга юқорида кўрсатилган ҳолатларнинг бошланиши ва тугатилиши тўғрисида дарҳол, 10 (ўн) иш кундан кечиктирмай хабар беришга мажбурдир. Бундай ҳолда, Тарафлар қисқа вақт ичида бир-бирлари билан маслаҳатлашишлари ва Тарафлар томонидан қабул қилиниши керак бўлган чоралар тўғрисида келишиб олишлари керак. Фавқулодда ҳолатлари мавжудлигининг ваколатли

давлат органлари томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши ва улар ушбу ҳолатлар юзага келган кундан бошлаб **30 (ўттиз) иш** куни ичида бошқа Тарафга юборилиши керак.

11.3. Фавқулодда ҳолатларининг бошланиши тўғрисида хабар бермаслик ёки ўз вақтида хабар бермаслик, Тарафни ушбу ҳолатларни мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қиладиган асос сифатида қўллаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

## 12. МАХФИЙЛИК ВА ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

12.1. Шахсга доир маълумотлар деганда шахсга бевосита ёки билвосита тегишли бўлган ҳар қандай маълумотлар тушунилади. Буларга фамилия, исм, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, яшаш манзили, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, телефон рақамлари, электрон почта манзили, даромад манбалари ва кредит мажбуриятлари каби маълумотлар киради.

12.2. Битимни тузиш учун зарур бўлган шахсга доир маълумотларни ва бошқа маълумотларни тақдим этиш шахснинг ихтиёрида. Ўзбекистон Республикасининг "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида" ги қонунига мувофиқ, шахс ўзининг шахсий маълумотлари қайта ишланишига ва уларга нисбатан ҳар қандай қонуний ҳаракатларни амалга оширишга розилик беради. Шахсий маълумотларни қайта ишлашга берилган розилик исталган вақтда қайтариб олиниши мумкин. Бунга розилик билдирилмаса, ушбу битимни тузишдан бош тортган деб ҳисобланади.

12.3. Тарафлар битим натижасида олинган маълумотларни махфий деб ҳисоблайди ва улардан фақат битим мақсадларида фойдаланишни таъминлайди. Маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик мажбурияти мавжуд, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

12.4. Олинган маълумотлар битимни тузиш ёки бажариш учун Тўлиқ шерик ва/ёки Ширкат томонидан ишлатилади. Ширкат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маълумотларни узатиш ҳуқуқига эга.

12.5. Тўлиқ шерик ва/ёки Ширкат шахс томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш ва битим тузмоқчи бўлган шахснинг ҳуқуқий лаёқатини назорат қилиш мажбуриятини олмайди, аммо шахс ишончли ва тўғри маълумот беришини кутади.

12.6. Инвестор унга почта, электрон почта, СМС-хабарлар ва бошқа усуллар орқали хабарлар юборишга розилик беради. Бу хабарлар битимни тузиш, ижро этиш ёки ўзгартириш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

12.7. Инвестор Ширкат томониадн унинг шахсий маълумотларидан қонунда белгиланган ҳолатлар доирасида фойдаланишга ва ишлов беришга розилик билдиради. Ширкат Инвесторнинг шахсий маълумотларидан қонунчликда белгиланган мақсадлар ва тартибда, жумладан, шартнома мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш учун фойдаланиланади.

12.8. Ширкат мазкур шахсий маълумотларни учинчи шахсларга сотмаслик, ошкор қилмаслик ва химоя қилиш мажбуриятини олади. Учинчи шахсларга маълумотлар қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлардагина тақдим этилиши мумкин.

## 13. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Ушбу Оферта ва/ёки Инвесторларнинг шерикликдаги иштироки билан боғлиқ ўзгартиришлар, қўшимчалар, хатлар, билдиришномалар ва ҳужжатлар Тарафлар томонидан IMANUM платформаси орқали юборилади (www.imanum.app ).

13.2. Ширкат тўловга қобилиятсизлик ёки банкротлик ҳолатига тушганида, Инвесторнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Ширкатнинг таъсис ҳужжатлари асосида ҳимоя қилинади.

13.3. Ушбу Офертада назарда тутилмаган бошқа барча масалалар бўйича Тарафлар Ширкатнинг Таъсис шартномаси ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига риоя қиладилар.

13.4. Ушбу Офертанинг бирон бир шарти ҳақиқий эмас деб топилганда, ушбу қолган шартлари амал қилишни давом эттиради ва ўз кучини сақлаб қолади.

13.5. Тарафларнинг ҳеч бири бошқа Тарафнинг ёзма розилигисиз битим бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи томонга топширишга ҳақли эмас.

13.6. Мазкур Оферта Ширкат директори ва муҳри билан тасдиқланган.

**14. ШИРКАТНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

| | |
|---|---|
| **Компания номи** | **“IMAN HALAL INVESTMENTS KOMMANDITNOE TOVARISHESTVO” коммандит ширкати** |
| **СТИР:** | **307128450** |
| **Банк ҳисоб рақами:** | **Сўмда ҳ/р: 2020 8000 2051 8157 4001**<br><br>**АҚШ долларида ҳ/р: 2020 8840 9051 8157 4003** |
| **Банк:** | МФО 01017 "Ипотека-банк" АКИБ Яккасарой филиали<br><br>SWIFT: УЗҲОУЗ22 |
| **Манзил:** | **Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Равнақ кўчаси, 21 уй** |

**ОФЕРТА О ВНЕСЕНИИ ВКЛАДА В КОММАНДИТНОЕ ТОВАРИЩЕСТВО**

№ __

г.Ташкент "22" август 2025 год

## 1. ТЕРМИНЫ И ОСНОВНЫЕ ПОНЯТИЯ

**Оферта** – предложение Коммандитного товарищества **"**IMAN HALAL INVESTMENTS KOMMANDITNOE TOVARISHESTVO" (далее – "Товарищество") инвесторам заключить сделку на условиях, изложенных в настоящей оферте.

**Акцепт (принятие оферты)** – совершение инвестором действий, предусмотренных в пункте 2.4 и 3.1 настоящей Оферты, в частности, зачисление его инвестиционных средств на банковский счет Товарищества. Факт поступления средств считается акцептом (принятием оферты).

